

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУХИТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

САНИТАР ТОЗАЛАШ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

*Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида қаттиқ майший чиқиндиларни
тўплаш, ташиб, саралаш кластер хизматларини давлат-хусусий
шерикчилиги асосида бошқариш бўйича*

ЛОЙИҲА-БАҲОЛАШ ҲУЖЖАТИ



ЛБҲни ишлаб чиқувчи: "Wall Street Consult" МЧЖ

Тошкент 2021 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1. ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ ВА ҚИСҚА ТАЪРИФИ (РЕЗЮМЕ).....	4
2. МОЛИЯВИЙ БЎЛИМ.....	20
3. ЛОЙИҲА СТРАТЕГИЯСИ ВА ИЖТИМОИЙ БЎЛИМИ (ЛОЙИҲАНИ ЯРАТИШ ТАРИХИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ).....	21
4. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАР, БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.....	22
5. ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЎЛИМ.....	26
6. ЭКОЛОГИК БЎЛИМ.....	45
7. АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ.....	47
9. ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН КЎМАК.....	51
10. ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАСИ.....	52
11. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ	54
12. ХУЛОСА	54
ИЛОВАЛАР.....	56

КИРИШ

Лойиҳанинг буюртмачиси ва ташаббускори сифатида “Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси” ҳамда ижроғиси ва лойиҳанинг амалга оширилиши учун масъул бўлиб хусусий шерик сифатида қатнашувчи корхона ҳисобланади.

Мазкур бизнес-режа Ўзбекистон Республикасининг амалдаги нормалари, ўюриқномалари, кўрсатмалари ва давлат стандартларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган.

Лойиҳа-баҳолаш ҳужжатини ишлаб чиқувчи “Wall Street Consult” МЧЖ ҳисобланади.

Ушбу ҳужжат маъфий маълумотларни ўз ичига олиб, фақат тасдиқланган олувчиларга юборилади. Лойиҳа эгаларининг дастлабки ёзма шаклидаги розилигисиз ушбу лойиҳага тегишли ҳар қандай маълумотнинг учинчи шахсларга ошкор қилиниши, кўмак кўрсатилиши ва тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

1. ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДИ ВА ҚИСҚА ТАЪРИФИ (РЕЗЮМЕ).

Замонавий ҳаёт интенсив урбанизация ва шаҳарларда аҳоли сонининг кўпайиши билан ажралиб туради. Турмуш шароитларининг яхшиланиши, аҳоли фаровонлигининг ошиши мос равища турли маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмол қилинишининг ўсишига олиб келди. Шу билан бир қаторда, ҳар хил турдаги фойдаланиладиган идиш ва қадоқларни ишлатишга эҳтиёж вужудга келмоқда, улардан фойдаланиш ҳажмининг умумий ўсиши кузатилмоқда.

Ушбу барча жараёнларнинг иккинчи томони бўлиб, қулайликлар, замонавий ҳаёт тақдим этаётган фаровонлик ва истеъмол ҳажмининг кўпайгандиги эвазига ўзига хос “тўлов” бўлиб, ҳосил бўлаётган майший чиқиндилар ва чиқинди миқдорининг тобора ўсиб бораётгандиги ҳисобланади. Ҳосил бўлаётган қаттиқ майший чиқиндилар миқдори (кейинчалик – ҚМЧ) ва уларни йиғиб олиш жараёни қандай ташкил этилиши бевосита шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг санитар ҳолатига таъсир қиласи. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарларида ва туманларида ҚМЧларни ўз вақтида тўлиқ йиғиб олиш ҳамда ташиш ишлари давлат ва хусусий маҳсус ташкилотлар томонидан таъминланади.

2019 йилнинг 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган эди. №ПҚ-4291 “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси”(кейинчалик – Стратегия). Стратегиянинг асосий вазифаси бўлиб, ҚМЧ утилизацияси бўйича барча фаолият турларини қуидаги мақсадларда интеграллаштириш ҳисобланади:

- (i) янги ёндашувларни жорий этиш;
- (ii) самарали, ишончли ва ижтимоий жиҳатдан мувофиқ ҚМЧ тизимини яратиш;
- (iii) аҳоли саломатлигига ва атроф-муҳитга таъсирни қисқартириш;
- (iv) чиқинди ҳажмларини максимал даражада камайтириш, ундан тақороран фойдаланиш ва қайта ишлаш.

Стратегияда, ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги асосий муаммоларга қўйидагилар киритилган: а) қишлоқ аҳоли пунктларида ҚМЧ йиғиш ва олиб чиқиш бўйича хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги (40-50%) ва чекка қишлоқ аҳоли пунктларида ушбу хизматларнинг деярли бутунлай мавжуд эмаслиги;

б) ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилманинг қониқарсиз аҳволи;

в) ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасининг ҳам давлат, ҳам хусусий секторда етарли даражада молиялаштирилмаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.09.2020 й. дан № ПҚ-4845 “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ тузилган Йўл харитасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятларнинг ҳокимиятлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларида қўйидаги кўрсаткичларга эришишни таъминлаш топширилган:

-аҳолини маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш хизматлари билан қамраб олиш даражасини жорий йил охирига қадар 90 фоизга етказиш, 2021 йил охирига қадар - 100 фоизга;

-қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини жорий йил охирига қадар **21,8 фоизга** етказиш, 2021 йил охирига қадар – **36,5 фоизга**;

-маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш бўйича хизматларни ташкил этиш соҳасида хусусий сектор улушини 2022 йилнинг охиригача **50 фоизга** етказиш.

Лойиҳанинг умумий параметрлари қўйидагилар:


- **Лойиҳанинг номи** - «Давлат-хусусий шериклик асосида асосида Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, олиб чиқиш, саралаш».

- **Лойиҳанинг ташаббускори** сифатида Давлат экология қўмитаси ҳамда лойиҳани амалга оширувчиси бўлиб хусусий шерик сифатида қатнашувчи корхона белгиланган. Хусусий шерик сифатида иштирок

этувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва унга солиқ тўловчининг идентификацион рақами берилганлиги ҳақида гувоҳномага эга бўлиши лозим. Шунингдек, унинг мулкчилик шакли – **100%** хусусий бўлади.

Лойиҳанинг мўлжалланган умумий қиймати. Лойиҳанинг дастлабки қиймати **30 162 500,83** минг сўмни ташкил қиласди. Лойиҳанинг молиялаштирилиши корхонанинг ўз маблағлари ва қўшимча маблағлар ҳисобига амалга оширилади: Лойиҳанинг операцион даромадлари майший чиқиндилар соҳасида хизматлар кўрсатиш натижасида шаклланади.

Диаграмма №1



- Лойиҳа кўлами, шу жумладан унинг қуввати.** Лойиҳа Кўқон шаҳри худудини, яъни 40 км.кв майдонни ҳамда унинг **252 700 нафар** аҳолисини қамраб олади. Лойиҳа ҚМЧ хизматларининг сифати билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш заруриятига асосан амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади бўлиб, ҚМЧ тизимини қайта шакллантириш, экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни, соғлиқни ва ҳаёт шароитларини яхшилаш ҳисобланади.

Шунингдек, лойиҳа йилига 100,0 минг тонна чиқиндиларни саралаш комплекси яратилишини кўзда тутади.

- Лойиҳа амалга ошириладиган манзил** - Фарғона вилояти – Кўқон шаҳри.
- Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари.** - Ушбу лойиҳанинг мақсади бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимларига самарали механизмларни жорий этган ҳолда санитар хизматларнинг сифатини яхшилаш;
- ✓ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш инфратузилмаси яхшиланади, регионда **20** та янги чиқинди йиғиш пунктлари қурилиб, **150** та **қўшимча** контейнерлар билан таъминланади;
- ✓ қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш хизматлари учун аҳоли мажбурий тўловларини тўлаш ва ҳисобга олиш ягона электрон тизими такомиллаштирилади, шунингдек, ушбу тизимнинг бошқарувини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилади;
- ✓ майший чиқиндиларни саралаш бўйича **1** та линиянинг ўрнатилиши;
- ✓ қўшимча **11** дона техника, шундан 5 та чиқинди ташувчи ва 5 та бошқа маҳсус техникаларни харид қилиш ҳисобига аҳолини майший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиши хизматлари билан қамраб олиш даражасини **100** фоизга етказиш (жами техникалар сонини 37 тага еткизиш);

Қўшимча 10 та чиқинди йиғиш шаҳобчasi ва 10 та қўшимча ер ости чиқинди йиғиш шаҳобчasi майдони, 150 та чиқинди контейнерлари ва 30 та йўлаклар учун реклама доскали чиқинди қутилари ўрнатиш орқали худуддаги экологик холати, инфратузилмасини яхшилашга эришилади, янги иш ўринлари яратилади, бунда ёшларни ҳамда эҳтиёжманд оила аъзоларини иш билан таъминлашга эришилади. Майший чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси 38 % гача етказилади. Чиқиндиларни саралаш орқали таркибидан қайта ишланадиган маҳсулотлар ажратиб олинади. Шунингдек Кўқон шаҳрида чиқиндиларни қайта юклash станцияларини қуриш орқали ушбу худуддаги чиқинди полигонларини қисқартириш назарда тутилмоқда.

Лойиҳани молиялаштириш манбалари ва схемалари:

Кўрсаткичлар	Давлат ташкилоти	Хусусий шерик	ЖАМИ	Структура (%)
Асосий воситалар (ишлаб чиқариш ускуналари ва маҳсус техникалар)	12 906 970,80	15 987 000,00	28 893 970,80	96%
Курилиш ва реконструкция харажатлари		400 000,00	400 000,00	1%
Жами капитал қўйилмалар	12 906 970,80	16 387 000,00	29 293 970,80	97%
Эксплуатация харажатлари (молиявий харажатлар ва айланма маблағлар)	20 000,00	850 269,69	870 269,69	3%
Лойиҳани тайёрлаш харажатлари	20 000,00	0,00	20 000,00	0,07%
Айланма маблағлар	0,00	800 269,69	800 269,69	2,65%
Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа кўзда тутилмаган харажатлар	0,00	50 000,00	50 000,00	0,17%
Бошлангич инвестицион капитал	12 926 970,80	17 237 269,69	30 164 240,49	100%
Бошлангич инвестицион капитал (АҚШ доллари эквивалентида)	1 229,03	1 638,84	2 867,87	
Улушлар	42,9%	57,1%	100%	

■ **Лойиҳани амалга ошириш даври.** Кутилган молиялаштириш муддати: 120 ой. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун **3 йил** давомида **17 237 269,69 минг сўм** миқдорида пул маблағларини жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

■ Лойиҳанинг инвестицион даврида ва пул оқимлари бошлангунга қадар бўлган эксплуатация харажатлари **850 269,69 минг сўмни** ташкил қилиб, ушбу харажатлар фаолиятни ташкил этиш учун етарли ҳисобланади ва хусусий шерик томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга оширишдаги жараёнларнинг хронологик кетма-кетлиги ва лойиҳа доирасида мавжуд ва киритилишиш мўлжалланган инвестициялар ва бошқа маълумотлар тақдимот қўринишида илова келтириб ўтилмоқда.

Фарғона вилояти Қўқон шаҳри аҳолисининг машший чиқиндиларни олиб чиқиши бўйича хизматлар билан қамралганлик қўрсаткичлари
(манба: Фарғона вилояти статистика бошқармаси)

Т/р	ДХШ лойихасига киритилган худудлар	Статистика бўйича		Амалда қамров		Даражаси		ДХШ лойихаси доирасида қамров бўйича кутилаётган натижа		Даражаси (фоизда)	
		ахоли сони	МФЙ сони	ахоли сони	МФЙ сони	ахо ли	МФЙ	ахоли сони	МФЙ сони	ахоли	МФЙ
1	Қўқон шаҳар	252 700	65	169 882	65	67%	100%	252 700	65	100%	100%
	Умумий жами	252 700	65	169 882	65			252 700	65		

Лойиҳанинг амалга оширилиши ҚМЧ тизимининг муаммолини, қаттиқ майший чиқиндилар ҳажмини камайтириш, уларни такороран фойдаланиш учун қайта ишлаш мақсадида ҳал қилиш имкониятини беради, чиқиндиларни йиғиш шаҳар тизимини ва қаттиқ майший чиқиндиларни ташишни замонавийлаштириш имконияти пайдо бўлади, қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш ва ташиш учун янги автотранспорт харид қилиш, янги санитар полигонини жиҳозлаш имкони тақдим этилади.

Бизнес-режанинг ҳисоб-китобларида ҚМЧни аҳолидан, тижорат ташкилотларидан, уй хўжаликлари уюшмаларидан ва бошқалардан йиғиш пунктларидан бошлаб юк ортиш станцияларигача ва кейинчалик полигонгача олиб чиқиши учун тарифларни ҳар йили **5 фоизга** оширилиши ҳисобга олинган, бу эса лойиҳа харажатларини қоплаш муддатини камайтириш имкониятини беради.

Умуман олганда, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши лойиҳа ташаббускорларининг чекка жойларда қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш тизимини жорий этиш ҳақидаги ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, Республика Ҳукумати томонидан регионда ижтимоий ва экологик вазиятни яхшилаш, Ҳукуматнинг узоқ муддатли дастурларини бажариш бўйича қўйилган вазифаларини амалга оширишда иштирок этиш, ҳамда Ўзбекистонда ушбу босқичда ўтказилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар жараёнида қатнашиш имкониятини беради.

Корхонанинг тузилмаси ходимларни оптимал-самарали бошқариш ва ишларни юритишга мувофиқ ҳолда жорий этилади.

Корхона ўз фаолиятини ўзини- ўзи қоплаш ва молиялаштириш принциплари асосида амалга ошириб, мустақил балансига, Компания номи ёзилган ўзининг муҳрига, Ўзбекистон Республикасининг банкларида сўмлик ва валюта ҳисобларига ва бошқаларга эга бўлиши талаб этилади. Компания фаолияти Устав билан тартибга солинади.

Корхонинг бошқарув органи бўлиб Таъсисчилар ҳисобланниб, улар корхона фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, корхона Уставига қўшимчалар ва ўзгаришларни киритади, шунингдек, қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа бошқарувни амалга оширадилар, ижрочи орган бўлиб Директор ҳисобланади.

Лойиҳанинг ташкил этувчиси – прогнозлаштирилган қувватга чиқишида ҚМЧ олиб чиқиши бўйича хизматлар қамрови 100 фоизни ташкил қиласди.

Харажатлар моддаларининг прогнози маҳсус бўлимлар билан асосланган бўлиб, қўйидагилардан иборат:

- тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш харажатлари;
- билвосита харажатлар ("умумий харажатлар", "давр харажатлари");
- иш ҳақи харажатлари;
- амортизация;
- молиявий харажатлар;
- солиқ юки.

Лойиҳа манзилининг тавсифи

Кўқон шаҳри Фарғона вилоятида жойлашган йирик саноатлашган шаҳар ҳисобланади. Кўқон Фарғона вилояти Сўҳ дарёсининг қуи оқимида жойлашган. Вилоятнинг энг катта шаҳарларидан бири. У водийдаги транспорт йўллари кесишган ҳудудда жойлашган. Майдони – **40 кв. км.** Шаҳар сейсмик фаол бўлган ҳудудда жойлашган.

Иқлими кескин континентал. Қиши мавсуми нам, нисбатан мўътадил, ёз эса иссиқ ва қуруқ. Баҳор ва ёзда кучли ёмғирлар,

момақалдириқлар ва дўл ёғиши, ҳамда шамолнинг аҳамиятли даражада кучайиши кузатилади.

Кўқон	
Шаҳар 40°31'43"N 70°56'33"E	
Вилоят	Фарғона вилояти
Майдони	40 км.кв
Ҳоким	Маъруфжон Усмонов
Аҳоли	252 000 кишидан ортиқ (01.01.2021)
Зичлиги	5997.5 киши./ км²
Динлар таркиби	Мусулмонлар, Христианлар
Иқлим тури	Кескин континентал
Телефон коди	8 373
Миллий таркиб	Ўзбек, рус, татар, корейс, тожик
Почта индекси	150700
Автомобил коди	40



Лойиҳанинг долзарблиги

Техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш кучлари бозор иқтисодиётининг талабларига мувофиқ ҳолда ривожланмоқда. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хусусийлаштириш, савдо-ташқи иқтисодий алоқалар, тадбиркорлик ва меҳнат бозори, ижтимоий соҳа тобора ривожланиб бормоқда.

Ишлаб чиқаришнинг тўғри технологик циклидан ўтган тайёр чиқиндиларни ташиш ва улардан фойдаланишда эксплуатация жараёни мобайнида газ чиқиндилари ҳосил бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир кишидан кунига **0,6 – 0,8 кг** чиқинди ҳосил бўлади, бу эса бутун аҳолидан **18 – 20 минг тоннани** ташкил қиласди.

2019 йил давомида **7,3 млн. тонна** қаттиқ майший чиқинди ҳосил бўлди, чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича **219 та** ташкилот томонидан чиқиндиларнинг умумий миқдоридан регионларда **1,3 млн тонна** (20%) чиқинди қайта ишланди, қолган **80 фоиз** эса мавжуд бўлган **235 та** қаттиқ майший чиқиндилар полигонларида жойлаштирилди.

Маълумот учун: 2017 йилда 183 ташкилот томонидан 630,0 минг тонна чиқинди қайта ишланган эди (чиқиндиларнинг умумий ҳажсимидан 9%).

Бугунги кунда, регионларда санитар тозалаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотларга тегишли бўлган, чиқиндиларни қўмиш учун мўлжалланган **235 та** ҚМЧ полигонлари мавжуд. Умумий эгалланган майдон таҳминан **1,7 минг га** ташкил қилиб, бу ерда **81,9 млн. тонна** чиқинди тўпланган.

Лойиҳанинг афзаллиги.

Лойиҳанинг асосий афзаллиги атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган. Лойиҳа технологияси инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан салбий таъсирини аҳамиятли равишда пасайтиради. Юқори даражадаги бошқарув ва ишлаб чиқариш маданияти таъминланган янги иш ўринларини яратиш, бунда иш ўринларининг ижтимоий жиҳатдан таъминланганлиги ҳам муҳимdir.

Таҳлил натижаларига асосан, лойиҳа қуйидаги хусусиятларга эга:
 молиявий ва иқтисодий самарадорлик;
 муҳим миллий иқтисодий аҳамиятга эга;
 лойиҳанинг амалга оширилиши учун бевосита жалб қилинадиган паст қийматга эга қарз маблағларидан фойдаланиш имконияти;
 юқори ишлаб чиқариш-технологик ва ижтимоий аҳамияти.

Лойиҳа бозорлари кенг ва ўсиб бораётган бозор сифатида баҳоланади, ички бозор эса рақобатчилардан сифат жиҳатидан ҳам, нарх жиҳатларидан ҳам устунлиги билан рақобатбардошлиги паст бўлиши кутилмоқда.

1. ИҚТИСОДИЙ БЎЛИМ.

1.2. Лойиҳанинг бозордаги позицияси, ишга доир мавжуд алоқалар ва бу соҳадаги обрўси.

Инсон фаолияти натижасида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг аҳамиятли улуши углерод билан тўйинтирилган: қаттиқ майший чиқиндилар (ҚМЧ), кимёвий ва нефтни қайта ишлаш саноатининг чиқиндилари. Ҳар йили ривожланган давлатларда, таркибида углерод мавжуд бўлган **2,5 млрд. тоннага яқин** чиқиндилар ҳосил бўлади.

Улардан, республикамизнинг худудида таркибида углерод мавжуд **350 млн. тоннадан ортиқ** чиқиндилар ҳосил бўлади, АҚШ худудида - **550 млн. тоннадан ортиқ**, Европа давлатларида – **740 млн. тоннадан ортиқ**, Японияда – **450 млн. тоннадан ортиқ**.

Бунда, кўп хонадонли уй-жой секторида ҚМЧ йиғиш ва олиб чиқиши – чиқинди йиғиш пунктларидан амалга оширилади, хусусий уй-жой секторида эса – чиқинди йиғиш пунктларидан ёки «сигнал бериш усули» билан. ҚМЧни чиқинди йиғиш пунктларидан олиб чиқишининг минимал даврийлиги кунига бир марта ташкил қиласи, «сигнал бериш усулида» эса – уч кунда бир марта.

Кўйида ихтисослаштирилган хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ҚМЧ йиғиш ва олиб чиқиши бўйича хизматларни кўрсатиш чизмаси тақдим этилган бўлиб, уларга қўйидагилар киради:

«Тоза худуд» ДУК бўлинмалари;

«Махсустранс» ДУК бўлинмалари;

Хусусий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар.

Фарғона вилоятининг ушбу лойиҳа таркибига киритилган худудида аҳвол қўйидагича:

		Жами техни-калар сони	Чиқинди ташузчи	Ротопресс	Оғир техникалар сони (мултилифт)	Жами МФЙ сони	Камраб олингандон сони	Камраб олингандон хона-дон сони	Камраб олингандон ахоли сони	Полигон сони	Контейнер-лар сони	ЧЙМ сони	Чиқинди йиғиш майдон-чалари (уйчасиз)
2	Кўқон шаҳри	26	20	1	5	65	65	48090	169882	0	210	10	10
	Жами:	26	20	1	5	65	65	48090	169882	0	210	10	10

Фарғона вилояти Кўқон шаҳрининг 2011-2020 йиллар мобайнида аҳоли ва корхоналар сони

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Аҳоли сони (минг киши)	224700	227700	230500	233500	236800	239900	243100	245500	248700	252700
Корхоналар сони	149	166	177	186	197	205	218	233	245	267
Шу жумладан саноат корхоналари	37	41	44	46	49	51	54	58	61	66

Аҳоли сонининг доимий ўсиб бориш трендида эканлигини ҳисобга олиб, ушбу лойиҳа муддатидаги аҳоли сони ўсиш қўрсатиичлари қўйидаги жадвалда қўрсатилгани каби прогнозлаш мумкин.

Фарғона вилояти Кўқон шаҳрининг 2021-2030 йиллар мобайнида аҳоли сонига прогнози (минг киши)

Худуд	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
Кўқон шаҳри	255 687	258 710	261 768	264 863	267 994	271 162	274 368	277 611	280 893	284 214

Қаттиқ майший чиқиндиларнинг асосий компоненти бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- қайта ишланмайдиган чиқиндилар - 32 %;
- озиқ-овқат чиқиндилари - 28 %;
- ўсимлик чиқиндилари - 13 %;
- полимер чиқиндилар - 8 %;
- шиша чиқиндилари - 5 %;
- бошқа чиқиндилар 14%.

«Тоза худуд» ДУКни 2019-2021 йилларда қўшимча техника билан жиҳозлашга эҳтиёж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги ПҚ-3730-сонли Қарорига мувофиқ 2019-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан 2019-2021 йилларда "Тоза худуд" ДУКни маҳсус техника билан қўшимча жиҳозлаш бўйича прогноз параметрлари тасдиқланди.

Ушбу қарорнинг 1-иловаси маълумотларига кўра, уч йил ичида ҳудудий "Тоза ҳудуд" ДУКни кузовнинг ҳажми 7 кубометр бўлган, сиқилган табиий газда (метан) ишлайдиган "ISUZU" NPR82L маркасидаги чиқинди ташийдиган юк машиналари билан қўшимча жиҳозлаш режалаштирилган.

2019-2021 йилларда давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан "Тоза ҳудуд" ДУК ҳудудий бўлинмаларини қўшимча жиҳозлашнинг прогноз параметрлари

T/p	Худуд, шаҳар ва туман номи	2019 йилда маъсус техника харид қилиш	2020 йилда маъсус техника харид қилиш		2021 йилда маъсус техника харид қилиш		
		Чиқинди ташувчи «ISUZU» NPR82L -7м ³ (метан газ) (дона)	Чиқинди ташувчи «ISUZU» NPR82L -7м ³ (метан газ) (дона)	Бульдозер (дона)	Чиқинди ташувчи «ISUZU» NPR82L -7м ³ (метан газ) (дона)	Бульдозер (дона)	Автоюк ортувчи (дона)
	Республика бўйича жами	245	170	27	175	56	59
	Фарғона вилояти	28	30	4	20	5	13
	шу жумладан:						
1.	Кўқон шаҳри	3	5	0	2	0	1

Хусусий шерик сифатида қатнашадиган корхона учун энг мос ускунани танлашда бир нечта омилларни ҳисобга олиш керак. Тўғридан-тўғри омилларга қуидагилар киради: мўлжалланган хизмат қўрсатиш зonasининг географик шартлари ва чиқиндиларни кўмиш жойларигача бўлган масофа, автоулов тўхташ жойларигача бўлган масофа, хизмат қўрсатиш жойларидағи йиғиш пунктлариға кириш (шу жумладан, йўл шароитлари ва ўлчамлари) ва мавжуд ёки режалаштирилган чиқиндиларни йиғиш усуllари.

Бундан ташқари, транспорт воситаларига хизмат қўрсатиш қобилияти ва эҳтиёт қисмлар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Лойиха қамраб оладиган хизмат қўрсатиш жойларининг аксарияти қишлоқ жойларда жойлашганлиги сабабли, чиқиндиларни йиғиш учун транспорт воситаларини танлашда улар орасидаги масофани ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Чиқиндиларни йиғишни оптималлаштириш учун хусусий шерик сифатида қатнашадиган корхона чиқиндиларни йиғиш пунктларининг

мавжуд тизимларини такомиллаштириш ва кенгайтириши лозим. Чиқиндиларни йиғиш пунктлари асосан ақоли турар жойларига, айниқса күп қаватли уйлар қүп бўлган турар-жойларга хизмат қиласди. Ушбу йиғиш пунктлари моддий-техник сабабларга кўра яхшиланиши керак, чунки улар ҳукумат томонидан келгусида стратегиянинг иккинчи босқичида амалга ошириладиган қайта ишлаш ташаббусларининг муҳим элементи бўлади. Шу сабабли, чиқинди йиғиш пунктлари функционал чиқинди контейнерлари, ҳамда қайта ишланадиган материаллар учун контейнерлар билан жиҳозланиши шарт. Бундай чиқинди йиғиш пунктлари учун кенг тарқалган стандарт чиқинди учун контейнер бўлиб, ҳамда давлат идоралари ва хусусий ташкилотлар учун ҳажми $1,1\text{ м}^3$ стандарт контейнери ҳисобланади. Бу қути йиғиш тизимларида кенг қўлланиб келган. Бундан ташқари, «Тоза ҳудуд» ДУҚда яқинда тақсимланган барча ўртача юк машиналари ушбу турдаги чиқинди контейнерини ортиш учун жиҳозланган.

Чиқинди ташиш машиналарини харид қилиш учун давлат инвестициялари одатда ўртача (юк ташиш қобилияти 7 м^3 бўлган) чиқинди ташиш машиналарига мўлжалланган. Бундай чиқинди ташиш машиналари одатда етиб бориш йўллари тор ёки чекланган ҳудудлар учун ажратиб олинади ва утилизация обьектларидан тежамли масофаларда қўлланилади, одатда 15 км дан кам. Бироқ, жойларда ўтказилган баҳолашдан сўнг аниқландикси, бундай ўлчамдаги юк машинаси аксарият ҚМЧ хизмат қўрсатиш ҳудудлари учун тежамли бўлиб ҳисобланмайди. Бу, асосан, йиғиш вақти автомобил ташишлари узоқ йул олишлари ва катта ҳажмда ёқилғи сарфланиши, ҳамда бир тонна йиғилган ҚМЧ учун транспорт воситаларининг умумий эксплуатацион харажатлари билан аҳамиятли даражада чекланганлиги билан тушунтирилади.

Амалга оширилган муҳокамалар ва таҳлиллар натижасида, лойиҳани амалга ошириш давомида, уч турдаги юк ташиш автомобиллари кўриб чиқилган бўлиб, улар маҳаллий тузилмаларга боғлиқ ҳолда ниҳоятда мос келишлари мумкин. Уларга ҳажми 20 м^3 ва ундан ортиқ бўлган, улар тежамкорлик билан чекка ақоли пунктларига (30 км дан ортиқ) хизмат қўрсатиши мумкин бўлган, бироқ ўлчамлари сабабли етиб бориши чекланган йирик юк ташиш машиналари, ҳажми $12-15\text{ м}^3$ бўлган, қўплаб туманларга етиб бора оладиган ва хизмат қўрсатиш ҳудуди 30 км гача бўлган, ўртача ўлчамдаги юк ташиш машиналари,

ҳамда ҳажми 7 м³ бўлган, кичик ўлчамдаги юк ташиш машиналари киради. Ўтказилган таҳлил асосида аниқланганидек, катта ва кичик юк ташиш машиналари керакли ҚЧМ паркининг 20% дан кам миқдорини ташкил қиласди. Таклиф этилаётган лойиҳа фақат ишлаб чиқариш самарадорлигини дастлабки яхшилашга қаратилганлиги сабабли, биринчи босқичда такомиллаштиришнинг энг яхши варианти Хусусий шерик сифатида қатнашадиган корхонага энг керакли "универсал" технологияларни тақдим этиш эканлиги тўғрисида келишувга эришилди. Ўзбекистонга келсақ, бу маълум даражада обрў қозонган, юк ташиш ҳажми 7 дан 12 м³ гача бўлган юк машиналари.

Туман (шаҳар) номи	Умумий аҳолисони (киши)	Умумий аҳолига нисбатан ҚМЧ миқдори (кг/кун)	амалдаги қамров аҳоли сони	қамраб олинган худудда аҳолига нисбатан ҚМЧ миқдори			Катновлар сони	Чиқинди ташувчи техника нинг сигими (тонна)	умумий аҳоли учун талаоб қилинадиган жами техника сони	Қамраб олинган худудда талаоб қилинадиган техника сони	мавжуд чиқинди ташувчи техника лар	талаб қилинадиган чиқинди и ташувчи техника
Кўқон шаҳри	252700	202160	169882	135905,6			2,7	3	25		20	5
Жами	252700	202160	169882	135905,6	0	2,7	3	25		0	20	5

Стратегия иккита босқичда амалга оширилади:

Корхонанинг яхши мувофиқлаштирилган жамоаси (юқори даражадаги кадрлар ва менежментнинг профессионал иши) бизнес ҳамжамияти (ҳам мижозлар, ҳам етказиб берувчилар) ўртасида бизнес юритиш учун ишончли шерик сифатида ижобий обрў яратади.

Кўрсатилаётган хизматларнинг жозибадорлиги хусусий шерик сифатида қатнашаётган корхонага бозорда анча барқарор мавқега эга бўлишига ва молиявий-хўжалик фаолиятида сезиларли ижобий натижаларга эришишига имкон беради.


Корхонанинг ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда, маҳаллий ва ташқи бозорларда ўз мавқеини сақлаб қолишини таъминлайди:

- мутахассисларнинг юқори даражали профессионаллиги;
- сифатли менежмент ва бошқарув таркибининг чуқур билимлари ва кўникумлари;
- ходимларнинг меҳнатсеварлиги;
- рентабеллик ва юқори бизнес обрўсига соғлом интилиш.

Хусусий шерик сифатида қатнашадиган корхона хизматлари белгиланган стандартлар ва қоидаларга мувофиқ кўрсатилади; зарур гувоҳномалар ва Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш тизимининг мувофиқлик сертификатларига эга бўлади.

1.3. Мавжуд бўлган ва прогнозлаштирилган салоҳият.

1 тонна ҚМЧ қайта ишланиши натижасида шаклланадиган пиролиз реакцияси маҳсулотларининг прогнозлаштирилган ҳажми расмда кўрсатилган. 1 тонна ҚМЧ пиролиз билан қайта ишланганида, деярли чиқиндилар қолмаслиги ва табиий хом-ашё ўрнига қўллаш учун турли маҳсулотларни яратиш учун хом-ашё сифатида қўлланиладиган фойдали компонентларнинг катта ҳажмининг ишлаб чиқариш ва истеъмол циклига қайтарилишини таъминлаши намойиш этилган.



1 тона пиролиз реакциясидан чықадиган маҳсулотлар диаграммаси

Шундай қилиб, катта ҳажмдаги чиқиндиларни пиролиз билан қайта ишлаш атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг истиқболли усули ҳисобланади. Ушбу технология инсоннинг атроф-муҳиттеге салбий таъсирини сезиларлы даражада камайтиради ва табиий қазиб олинадиган ёқилғини алмаштириш муаммосини қисман ҳал қиласы.

2. МОЛИЯВИЙ БЎЛИМ.

2.1. Молиялаштириш манбаси ва ҳажми.

Лойиҳани молиялаштириш манбаси – муассисларнинг (хусусий шерикнинг) ўз маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа манбалар бўлиши мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш учун, хусусий шерикнинг натижаларида корхонанинг ликвидлиги ва рентабеллиги куриниши керак. Бунга қўшимча қилган ҳолда, корхонанинг режаларида ҚМЧ соҳасидаги хизматларга бўлган талабни қондириш асосий вазифа сифатида кўрилиши керак.

Корхонанинг оператив-хўжалик фаолиятини бошқариш директор томонидан амалга оширилади.

3. ЛОЙИХА СТРАТЕГИЯСИ ВА ИЖТИМОИЙ БЎЛИМИ (ЛОЙИХАНИ ЯРАТИШ ТАРИХИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ).

Ушбу лойиха доирасида давлат шериги хусусий шерик сифатида иштирок этаётган корхонанинг стратегик мақсади сифатида корхонани чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги йирик компания сифатида ташкил этиш, шунингдек, уни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Лойиҳани яратиш учун асосий шартлар:

- сиғимли ички истеъмол бозорининг мавжудлиги;
- компания муассисларининг яхши обрўси;
- чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш бўйича корхона муассисларининг бошқаришдаги катта тажрибаси.
- ходимларнинг фаолиятни бошлаш учун тайёргарлиги.

Ташкил қилинадиган фаолиятнинг устувор йўналиши Ўзбекистон Республикасининг кўрсатилаётган хизматларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, давлат шериги ушбу лойиҳани амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Лойиҳада қатнашувчи 2 чи томон, яъни корхона (хусусий шерик)нинг вазифаси - корхонанинг юқори рентабеллигини таъминлаш ва қўшимча иш ўринлари яратилишига ва корхонанинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини қондиришга ҳисса қўшган ҳолда максимал иқтисодий фойда олиш.

Яхши мувофиқлаштирилган жамоа (юқори даражадаги кадрлар ва менежментнинг профессионал иши) бизнес ҳамжамияти (ҳам мижозлар, ҳам етказиб берувчилар) ўртасида бизнес юритиш учун ишончли шерик сифатида ижобий обрў яратади.

Хусусий шерик маҳаллий ва ташқи бозорларда ўз мавқеини сақлаб қолишини қўйидагилар таъминлаши лозим:

- мутахассисларнинг юқори даражали профессионаллиги;
- сифатли менежмент ва бошқарув таркибининг чуқур билимлари ва кўнималари;
- ходимларнинг меҳнатсеварлиги;
- рентабеллик ва юқори бизнес обрўсига соғлом интилиш.

4. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАР, БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

4.1. Талаб ва таклиф.

Хизмат кўрсатиш соҳаси - бу корхоналар, ташкилотлар ва шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизмат турларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олган жамланган умумлаштирувчи тоифадир. Бошқа сўзлар билан айтганда, булар тижорат, профессионал ва майший хизматларни кўрсатишга ихтисослашган мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари.

4.2. Мавжуд бўлган соҳа салоҳияти, рақиб корхоналар, истиқболларни ва соҳанинг ривожланиши муаммоларини баҳолаш, ҳудудий жойлашиши, маҳсулот сифати.

Республикада қишлоқ жойларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун йирик лойиҳалар, ушбу соҳа ривожланишининг энг муҳим омили бўлган саноат обьектлари, уй-жой фонди, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши таъминлаш, шунингдек, минтақалардаги санитар-экологик вазиятни яхшилаш соҳасидаги сиёsat изчил амалга оширилмоқда.

4.4. Мавжуд бўлган талаб, унинг ўсишини прогнозлаштирувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар.

Стратегия мақсадларига эришиш учун режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш ушбу соҳага катта маблағ сарфлашни талаб қиласди. Стратегияни амалга оширишни молиялаштириш учун ички ва ташқи манбалардан фойдаланилади, шу жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҚМЧни бошқариш жамғармаси маблағларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан ташкил топган ички молиявий ресурслар;

ташқи молиялаштиришни молиявий ва техник ёрдам доирасида, шу жумладан халқаро молия институтлари ва донор давлатлар томонидан бериладиган грантлар ва кредитлар орқали олиш мумкин.

4.5. Маркетинг концепцияси, сотишлиар прогнози.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади бўлиб, чиқиндиларни утилизация қилиш мақсадида уларни саралаш бўйича комплекс яратиш, ҳамда чиқиндиларнинг атроф-муҳитга бўлган таъсирини камайтириш.

Лойиҳанинг кутилган натижалари:

- аҳолини ҚМЧ йиғиши бўйича хизматлар билан 100 фоиз қамраш;
- чиқиндилар атроф-муҳитга етказадиган зарар даражасини пасайтириш – Тижорат фойдасига эга бўлиш;
- ишлов берилмаган қаттиқ майший чиқиндилар ҳажмини камайтириш;
- иш ўринларини яратиш орқали ижтимоий муҳитни яхшилаш;
- ҚМЧни саралаш натижасида иккиласида фойда олиш;

4.6. Бозорлар жойлашиши, бозор сегментацияси.

Атроф муҳитни ҳимоя қилиш ҳужжатлари ишлаб чиқариладиган сана ҳолатига, лойиҳа ташаббускори томонидан, Ўзбекистоннинг ички бозори лойиҳа бўйича транспорт хизматларини сотиш учун асосий бозор бўлиши режалаштирилмоқда. Замонавий маҳсус ускуналардан фойдаланиш натижасида иқтисодий самарадорлик оширилади, эксплуатация пайтида ёқилғи-мойлаш материалларига харажатлар миқдорини камайтиради, шунингдек қулай географик жойлашув рақобатбардошликтини оширади.

4.7. Потенциал маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан кутилган рақобат.

Бозор рақобатбардош, келгусида рақобатни кучайтириш имконияти мавжуд.

Қурилиш соҳасидаги фаолликнинг эҳтимолий ўсиши сабабли ушбу лойиҳа хизматларига бўлган талаб мукаммал ва барқарор ўсиб бориши тахмин қилинмоқда.

4.8. Сотишлиар дастури, сотишни ташкил этиш.

Прогнозли савдо режасини ҳисобга олган ҳолда компания раҳбаријати қўйидаги йўналишларда маҳсулот сотилишини таъминлайдиган маркетинг концепциясини ишлаб чиқлади:

- чиқиндиларни саралаш обьектлари.

Кўрсатилаётган хизматларнинг тури, шунингдек хизматларни сотиш бозорларининг нисбати режалаштирилган ва ҳисоблаб чиқилган бўлиб, хизматларга бўлган ҳозирги эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда маҳсус ускуналар етказиб берилгандан кейин ўзгариши мумкин.

Лойиҳада ҚМЧларни ташиб учун 10 йиллик тарифлар динамикасининг қўйидагича прогнози келтирилмоқда:

Кўрсаткичлар	1 йил	2 йил	3 йил	4 йил	5 йил	6 йил	7 йил	8 йил	9 йил	10 йил
Жисмоний шахслар учун (1 киши учун/йил)	36	37,8	39,6	41,4	43,2	45	46,8	48,6	50,4	52,2
Юридик шахслар, 1м.куб ҚМЧ учун (ҚҚС билан)	46	48,3	50,6	52,9	55,2	57,5	59,8	62,1	64,4	66,7

Корхона томонидан маркетинг сиёсатининг чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим бўлиб, улар қуйидаги асосий мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши керак:

- доимий мижозлар контингенти билан яқин алоқаларни ўрнатиш;
- халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржада иштирок этиш;
- Марказий Осиё минтақасида ва хорижий мамлакатларда самарали реклама олиб бориш;
- бозорда барқарор мавқега эга бўлиш, аҳолининг унга ва унинг хизматларига бўлган ишончини шакллантириш мақсадида корхонанинг ижобий имиджини шакллантириш.

4.9. Фойдаланиладиган савдо маркалари ва маҳсулотнинг патент тозалиги.

Қайта ишлаш хизматлари барча стандартларга мос равища амалга оширилади. Харид қилинадиган маҳсус техника патент тозалигига эга бўлади.

4.10. Маркетинг учун харажатларни баҳолаш.

Хусусий шерик сифатида қатнашадиган корхонанинг маркетинг стратегияси қуйидаги усуллардан фойдаланишда асосланиши керак:

1. хизматлар кўрсатиш соҳасидаги стратегия:

- хом ашёни етарли миқдорда олиш имконияти;
- хизматлар сифатини тегишли даражада таъминлаш;
- ўхшаш маҳаллий ва импорт намуналаридан кам бўлмаган юқори сифатли рақобатбардош хизматлар;
- ушбу йўналишдаги хизматлар бозоридаги вазиятга мослашувчан муносабатни таъминлаш;
- зарурият туғилганда, корхона салоҳиятини ишлаб чиқариш фаолиятининг янада фойдали томонга йўналтириш қобилияти.

2. маркетинг соҳасидаги маркетинг:

- республика ичида ҳам, ташқарисида ҳам ушбу хизмат турига бўлган талаб ва таклифни доимий равишда ўрганишни амалга ошириш;
- бозор конъюнктурасини назорат қилиш ва унинг ўзгаришига тезкор жавоб бериш;
- корхона салоҳиятини фаолиятнинг кўпроқ фойдали йўналишига йўналтириш имконияти;
- мослашувчан нарх сиёсатидан фойдаланиш;
- даврий нашрларда, ОАВ ва бошқаларда реклама;
- улгуржи харидорлар, ишбилармон доиралар вакиллари билан шахсий алоқада хизматларни тарғиб қилиш;
- ярмаркаларда иштирок этиш, шу жумладан, халқаро ярмаркаларида.

Хусусий шерик сифатида қатнашадиган корхона томонидан кўрсатиладиган хизматлар рақобатбардошлиги қуйидаги параметрлардан келиб чиқсан ҳолда таъминланади:

- ишлаб чиқариш ичидаги харажатларнинг нисбатан паст даражаси туфайли истеъмолчиларнинг кенг доираси учун нарх қулайлиги;
- юқори сифатли хизматлар;
- ишончли ҳамкорлик.

Хизматлар учун нархнинг шаклланиши қуйидаги омиллар ҳисобига амалга оширилади:

- хизматларнинг таннахи;
- рақибларнинг ўхшаш хизматлар учун белгилаган нархлари.

5. ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЎЛИМ.

5.1. ҚМЧларни утилизация қилиш тартиби босқичлари

Лойиҳа доирасида қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш учун 20 та пункт қурилиши, яъни 10 та чиқинди йиғиш шахобчаси ва 10 та ер ости чиқинди йиғиш шахобчаси қурилиши кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида 150 та чиқинди контейнерлари ва 30 та йўлаклар учун реклама доскали чиқинди қутилари, 5 та чиқинди ташиш учун мўлжалланган маҳсус техника, 3 та мультилифт, 2 та самосвал ва 1 та фронталюклагич транспорт воситаларини, 1 та чиқиндиларни саралаш ускунаси, 1 та чиқиндиларни қайта юклаш ускунаси харид қилиш кўзда тутилган.

Лойиҳа шаҳарнинг мавжуд чиқиндиларни ташиш ва йиғиш тизимини модернизация қилиш ва қайта қуришни ўз ичига олади. Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали тизимни яратиш лойиҳанинг асосий босқичлари ҳисобланади. Майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бир нечта босқичда амалга оширилади (иловада тақдимот (презентация) қўринишида келтирилган).

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳосил бўлган қаттиқ майший чиқиндилар маҳсус транспортлар орқали чиқинди йиғиш шаҳобчасидан чиқиндиларни саралаш ускунасига ташилади. Чиқиндиларни саралаш ускунаси худудида бир вақтнинг ўзида майший чиқиндиларни қайта юклаш станцияси тушириш режалаштирилган. Саралаш босқичидан ўтган чиқиндилар маҳсус техникалар орқали қайта юкланди. Кейинги босқичда эса чиқиндиларни қайта юклаш станциясидан маҳсус ташувчи техника (мультилифт) орқали чиқинди полигонларига олиб борилади. Чиқинди полигони Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида жойлаштириш кўзда тутилган. Чиқиндиларни қайта юcalaш станцияси билан чиқинди полигони орсидаги масофа таҳминан 35 км ташкил этади. Ушбу лойиҳани самарали ташкил этиш учун юқоридаги ишларни кетма-кетликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, экологик хавфсизликни таъминлаш ва қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини лозим даражада шакллантиришга эришган бўламиз.

**Шаҳарларда ҚМЧнинг ўртача морфологик таркиби,
оғирлиги бўйича % да**
**(Ўзбекистон шароитида қаттиқ майший чиқиндиларни маҳсус
полигонларда сақлаша ва заарасизлантиришга оид
санитария талабларига қўра)**

№	Фракциялар	Йил мавсуми				Бир йилда ўртacha
		қиши	баҳор	Ёз	куз	
1.	Кофоз	20,5	18,3	18,8	18,1	18,9
2.	Озиқ-овқат чиқиндилари	35,3	36,8	39,2	42,2	38,4
3.	Ёғоч	4,7	4,2	3,0	7,8	4,9
4.	Метал	5,0	3,9	2,2	2,3	3,4
5.	Газламалар	3,7	3,3	3,9	4,3	3,9
6.	Чарм, резина	2,0	0,7	0,4	0,4	0,8
7.	Шиша	4,7	4,5	0,3	1,9	3,7
8.	Тошлар	6,4	10,5	16,8	8,0	8,9
9.	Бошқа кисмлар, полиэтилен ва бошқа пластмассалар	17,7	17,8	15,4	15,0	17,1

Қаттиқ майший чиқиндиларнинг ўртача кимёвий таркиби

№	Асосий кўрсаткичлар	Йил мавсуми				Бир йилда ўртacha
		қиши	баҳор	ёз	куз	
1.	Органик моддалар, бутунлай қуруқ мода учун %	54,3	39,1	61,0	66,0	55,1
2.	Намлик, %	46,0	43,6	38,9	48,6	44,2
3.	Тузли экстрактнинг pH	7,1	7,2	7,6	7,4	7,3
4.	Ҳажмий оғирлиги, кг/куб. м	355,6	387,6	434,0	406,0	395,8
5.	Йиссиқлик чиқариш қобилияти, ккал/кг	1972,4	1508,4	2507,0	1647,2	1908,7

Шаҳарларда ҚМЧнинг ҳажмий оғирлиги катта чегарада фарқ қилиши мумкин (355,6 дан 587,6 кг/куб. м гача); ўрта йиллик ҳисобкитоблар учун **445 кг/куб. м** чегарасидаги сонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қаттиқ майший чиқиндиларнинг тўпланиш нормалари (ўртача ҳисоблашда)

№	1 кишига нисбатан ҚМЧ тўпланиши кўрсаткичлари	Йил мавсуми				Бир йилда ўртacha
		қиши	баҳор	ёз	куз	
1.	Ўрта, кг/сутка	0,8	1,0	1,3	1,6	1,17
2.	Ўрта, куб. м/сутка	0,0025	0,0028	0,0030	0,0039	0,003
3.	Ўрта, кг/йил	292	401	474	584	437,7
4.	Ўрта, куб. м/йил	0,82	1,03	1,09	1,43	1,09
5.	Ҳажмий оғирлиги, кг/куб. м	355,6	587,6	434,0	406,0	445,8

**Алоҳида объектлар ва муассасалардан қаттиқ майший чиқиндилар
тўпланишининг дифференциацияланган нормалари**

№	Объектнинг номи	ҚМЧ тўпланишининг ўртача нормалари				Ҳажмли оғирлиги, кг/куб.м	
		Йиллик ўртача		суткалик ўртача			
		кг	л	кг	л		
1.	Касалхона (1 та койка)	230	700	0,63	1,90	330	
2.	Поликлиника (1 та бемор)	-	-	0,01	0,04	270	
3.	Меҳмонхона (1 та жойга)	80	400	0,22	1,10	290	
4.	Ётоқхона (1 та жойга)	100	330	0,28	0,93	300	
5.	Болалар боғчаси, ясли (1 та жойга)	70	235	0,19	0,78	300	
6.	Мактаблар (1 ўқувчига)	20	90	0,06	0,30	220	
7.	ОЎЮлари (1 талабага)	26	120	0,09	0,40	220	
8.	Театрлар (1 та жойга)	20	90	0,06	0,30	220	
9.	Муассасалар (на 1 сотрудника)	50	950	0,14	0,70	200	
10.	Ошхоналар (на 1 блюдо)	120	-	0,03	0,08	400	
11.	Озик-овқат дўконлари (на 1 кв. м)	-	460	0,33	1,27	260	
12.	Бозорлар (на 1 кв. м)	18	36	0,06	0,12	500	
13.	Супуринди (на 1 кв. м): - тошли қопламалар - асфальт қопламалар - чорқирра тошли қопламалар	11,2 5,5 7,5	15,0 7,5 10,0	- - -	- - -	750 750 750	

Тадқиқот ўтказилган ҳудудлар бўйича ҚМЧ ўртача йиғилиши миқдори

Услубият бўйича уй-жой объектлари ва турур жой бўлмаган бино турлари	Йиғилган ҚМЧ миқдори (кг/ўлчов бирлиги)	Йиғилган ҚМЧ миқдори (кг/ўлчов бирлиги)								Ўртacha кўрсаткич	
		тадқиқот ўтказилган ҳудудлар									
		Тошкент	Тошкент вилояти	Жиззах, Сирдарё	Самарқанд, Бухоро, Навоий	Қашқадарё, Сурхондарё	Наманган, Фарғона, Андижон	Коракалпоғистон Рес ва Хоразм			
Кўп қаватли уй ва уйлар	Киши	0,9	0,75	0,7	0,78	0,75	0,8	0,75	0,776		
Дала ҳовлилар	Уй	1,019					-		1,019		
Маъмурий ва бошқа ташкилотлар (муассаса, оғислар, банклар ва бошқалар)	ходим	0,178	0,41	0,4	0,21	0,22	0,29	0,995	0,385		

Мехмонхона, ҳостел ва дам олиш жойлари	1 ўрин	0,512	0,41	0,14	0,3	0,212	4,971	1,159	1,101
Интернат, болалар уйи, қариялар уйи	1 ўрин	0,86	0,62	0,57			0,791	0,081	0,417
Умумий овқатланиш жойи(кафе, ресторанлар)	1 ўрин	0,659	0,57	0,61	0,53	0,864	0,548	3,626	1,057
Болалар боғчаси	1 ўрин	0,325	0,2	0,2	0,05	0,102	0,419	0,339	0,235
Мактаб, колледж, институт ва бошқа муассасалар	1 талаба сони	0,06	0,01	0,04	0,02	0,68	0,227	0,305	0,192
Поликлиникалар	1 ташриф	0,077	0,03	0,15	0,11	0,082	0,131	0,08	0,095
Касалхона, санатория, пансионатлар, даволаш марказлари	1 койко- ўрин	1,017	1,04	0,68	0,38	0,583	1,291	0,356	0,763
Театрлар, кинотеатр, концерт заллари, кутубхона, клуб, ўйин автоматлари зали ва бошқалар	1 ўрин	0,113	0,06	0,102	0,03	0,067	0,364	0,066	0,115
Сартарошхоналар, гўзаллик салонлари	1 ўрин	0,36		0,19	0,16	0,09	2,907	0,909	0,659
Стадион, спорт ареналари, спорт майданлари	1 проект бўйича ўрни	0,026	0,05	0,08	0,0002	0,01	0,025	0,003	0,027
Бозорлар, супермаркет, гипермаркет, дўкон, ярмарка, хозтовар дўконлари ва бошқа савдо жойлари	1 м ² сотув худуди	0,77		0,04	0,73	0,62	0,555	0,357	0,438
Дорихоналар	1 м ² сотув худуди	0,034		0,02	0,06	0,037	0,405	0,084	0,091
Машина, қайиқ савдоси	1 сотув худуди	10,834	2,43	4,64	2,94	2,005	3,958	12,238	5,577
Музейлар, кўргазма заллари	1 м ² умумий майдони	0,004	0,002	0,001	0,01	0,008	0,051		0,011
Спорт, рақс ва ўйин майдонлари	1 м ² умумий майдони		0,19	0,003	0,002	0,009	0,044		0,035
Улгуржи савдо омборлари	1 м ² умумий майдони	0,004	0,03	0,12	0,06	0,029	0,038	0,064	0,049
Улгуржи савдо омборлари (саноат товарлари)	1 м ² умумий майдони	0,006	0,02	0,09	0,09	0,132	0,135	0,259	0,104

Вокзаллар, автовокзаллар, аэропорт ва бошқалар	1 м ² умумий майдони		0,01	0,01	0,004	0,033	0,124	0,07	0,035
Пляжлар	1 м ² умумий майдони	0,004	0,01		0,01		0,248	0,0007	0,039
Маишӣ хизмат кўрсатиш уйлари	1 м ² умумий майдони	0,073		0,01		0,014	0,355	0,312	0,109
Кир ювиш жойлари, химчистка, тикувчилик уйлари, оёқ кийим устахоналари	1 м ² умумий майдони	0,032	0,01	0,03	0,03	0,012	0,454	0,05	0,088
Ҳаммол, сауналар	1 м ² умумий майдони	0,004	0,1	0,01	0,02	0,032	0,254	0,021	0,062
Маишӣ жихозларни таъмирлаш устахоналари	1 иш ўрни	0,43		0,71		0,242	2,96	3,818	1,165
Автотураргоҳлар, мойкалар, устахоналар, ёқилғи қўйиш шахобчалари ва бошқалар	1 машина-ўрин	3,43	4,04		3,89	1,345	8,17	1,102	3,140
Юридик ташкилотлар (оммавий тадбирлар)	1000 иштирокчи		0,34	0,03		0,033	0,954	0,019	0,197

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҚМЧни йиғиб олиш бўйича оператор фаолиятини ташкил этиш учун мазкур лойиҳа баҳолаш ҳужжатини тайёрлашда одам бошига 0,8 кг ҚМЧ асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунга келиб, Кўқон шаҳрининг 252 700 киши аҳолиси мавжуд бўлиб, аҳолининг зичлиги 1км² га 5997 кишини ташкил қиласди. Фарғона водийсида кунлик чиқинди нормаси 0,8 кг/кишини ташкил қиласди ва 1 йилда 73 788 тонна чиқиндини ташкил қиласди. Шу чиқарилган ҚМЧни ташиш учун керакли бўлдиган транспортлар сонини қўйидаги ҳисоб-китоблар орқали келтириб чиқариш мумкин.

$$TC = \frac{AC}{1000} * \frac{\text{норма}_{\text{КМЧ}}}{V * T}$$

Бу ерда,

ТС – керакли транспорт сони

АС – Аҳоли сони
нормакчм – 1 кишилик ўртача ҚЧМ нормаси
V – 1 юк машинасининг ҳажми
Т – 1 машинанинг ўртача кунлик қатновлар сони.
Жами мавжуд 20 ва инвентиция сифатида киритилаётган 5 та ҚМЧ ташувчи техникалар аҳолидан чиққан чиқиндиларни ташиш учун етарли ҳисобланади.

5.2. Йиллар бўйича ўзлаштириш даражаси билан ишлаб чиқариш қуввати.

Ишлаб чиқариш қуввати даражаси, юқорида айтиб ўтилганидек, сменали қуввати ва йилига иш кунлари сонига боғлиқ бўлиб, лойиҳани баҳолашда консерватизм нуқтаи назаридан қувватни босқичма-босқич ривожлантириш назарда тутилган.

Лойиҳа қувватига бевосита таъсир этувчи кўрсаткичларнинг охирги 10 йилликдаги динамикаси

Лойиҳа қувватига бевосита таъсир этувчи омил сифатида худудда аҳоли сонининг кўпайишини келтириш мумкин.

Шунингдек, аҳолининг ўсишига асосий таъсир этувчи бевосита туғилиш кўрсаткичи динамикаси ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга.



Ўтган йилларда аҳоли сони ва унинг ўзгариши динамикасидан шуни хulosса қилиш мумкинки, аҳолининг майший ва қаттиқ

чиқиндиларни чиқариши борасида ижобий ўсиш прогнозлари сақланиб қолади.

5.3. Чиқинди ташиш техникалари

Кўқон шаҳрида хосил бўлаётган майший чиқиндилар, аҳоли яшаш пунктларидан, ер ости ва ер усти чиқинди йиғиш шаҳобчаларидан, юридик ташкилотларда жойлашган чиқинди контейнерлари ва шаҳар шоҳ кўчалари бўйлаб ўрнатилиши режалаштирилаётган чиқинди қутиларидан маҳсус чиқинди ташувчи техникалар (мусуравоз) ёрдамида ташиб кетилади. Бугунги кунда “Тоза худуд”ДУК шаҳар филиали ҳисобидан 20 та маҳсус чиқинди ташувчи техникалар мавжуд. Худудда йиғилган майший чиқиндилар маҳсус техникалар ёрдамида лойиҳа доирасида ишга тушириладиган чиқиндиларни қайта юклаш станциясига келтирилади ҳамда шу ернинг ўзида саралашдан ўтказилади.

Ҳозирда Кўқон шаҳрида 252,7 минг аҳоли рўйхатга олинганлигини, майший чиқиндиларни қайта юклаш станциялари орқали полгонларга жўнаташ тизими яраталиши ҳисобига, маҳсус техникалардан самарали фойдаланиш имкониятлари ошиши, яъни ҳар бир техникани бир кунлик қатнови камида 2,7 маротабага этишини ҳисобга олинса, ўртacha ҳар 10,0 минг аҳоли учун 1 та чиқинди ташувчи техника лозим бўлади. Шу сабаб, лойиҳа доирасида хусусий шерик томонидан тўла қувватни таъминлаш учун қўшимча 5 та маҳсус чиқинди ташувчи техникаси сотиб олиш учун инвестиция киритилади.



Кўқон шаҳрида хосил бўлаётган майший чиқиндилар, лойиҳа доирасида ишга тушириладиган чиқиндиларни қайта юклаш станциясига келтирилади ҳамда саралашдан ўтказилган чиқиндилар қайта юклаш технологияси ёрдамида контейнерларга зичланиб, маҳсус Мультилифт техникалари ёрдамида Ўзбекистон туманидаги чиқинди полигонига жойлаштирилади.

